

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# Ўзбекистонда соғ'лиқни сақлаш Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, uzss@inbox.ru • 2011 йил, 2 декабрь • № 48 (861)



Жорий йилнинг 25-26 ноябрь кунлари мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг Миллий модели: “Соғлом она – соғлом бола” мавзuida халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш натижасида республикада – бирламчи тиббий-санитария ёрдамни кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларидан бошлаб, мураккаб юқори технологияли тиббий хизматлар кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларига барча даражаларни қамраб олган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит ташкилий тузилмаси яратилди.

Сўнгги ўн йилда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий лаборатория, ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозлашга 750 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда бюджет маблағлари йўналтирилди ва имтиёзли кредитлар ҳамда грантлар жалб қилинди. Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасига қилинган харажатлар 3,6 барабар ўсди ва бу ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарийб 4,0 фоизни, мамлакатнинг Давлат бюджетига эса 15,7 фоиздан ортиқни ташкил қилапти.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 1990 йилга нисбатан ўртача умр кўриш 67 ёшдан 73 ёшгача ортди, оналар ҳамда гўдакларнинг ўлими тегишли равишда 3,1 ва 3,2 маротабага қисқарди. Аҳолининг, айниқса сил, гепатит, турли юқумли хасталиклар билан умумий касалланиш даражаси сезиларли равишда пасайди.

Шу билан бирга, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати, айниқса жойларда, туман ва вилоят тиббиёт бирлашмаларининг моддий-техника базаси ҳолати ўсиб бораётган замонавий талабларга ҳамон жавоб бермай келмоқда. Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини бошқариш тизими тубдан такомиллаштирилишини тақозо этмоқда, уларда етакчи хорижий тиббиёт марказларининг тажрибасини, шунингдек, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор шакллари қўллаш, уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш талаб қилинмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш, тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, замонавий талаблар ва стандартларга мувофиқ аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш, республика соғлиқни сақлаш тизимида бошқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг илғор шакл ҳамда услубларини жорий этиш мақсадида:

(Давоми 4-бетда).

### Симпозиум

## ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ ЖАҲОН НИГОҲИДА



**Фахр ва ғурур билан айтиш жоизки, пойтахтимизда 25-26 ноябрь кунлари “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она – соғлом бола” мавзuidaги халқаро симпозиум юқори даражада бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган ушбу нуфузли халқаро анжуман Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) ҳамкорлигида ўтказилди.**

Юқори савияда ўтказилган мазкур симпозиумда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси каби халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, АҚШ, Россия, Канада, Хитой, Буюк Британия, Италия, Германия, Испания, Франция, Швейцария, Финляндия, Чехия, Ҳиндистон, Дания, Жанубий Корея каби қирққа яқин мамлакатдан ташриф буюрган соғлиқни сақлаш вазирликлари раҳбарлари, тиббиёт соҳасида жаҳонда тан олинган машхур

олимлар, халқаро эксперт ва таҳлилчилардан иборат қарийб 300 нафар мутахассислар иштирок этдилар. Алоҳида таъкидлаш муҳимки, кенг доирада ўтказилган ушбу анжуман халқаро ташкилотлар, соҳанинг жаҳонда тан олинган машхур олимлари, қолаверса, барча иштирокчилар томонидан эътироф этилди.

Ўзига хос мазмун ва моҳиятга эга бўлган мамлакатимизда ноёб моделга айланган “Соғлом она – соғлом бола” мавзuidaги халқаро симпозиум давлатимиз

раҳбарининг ташаббуси ва ғояси асосида пойтахтимизда замонавий тарзда қад кўтарган муҳташам бино “Маърифат” марказининг Симпозиумлар саройида бўлиб ўтди. Мазкур нуфузли даражадаги халқаро симпозиумда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Чен ҳам қатнашди.

Симпозиумда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов маъруза қилиб, Ўзбекистон Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг ЮНИСЕФ, Тараққиёт дастури ва Аҳолишунослик жамғармаси каби нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, дунёнинг кўплаб мамлакатлари соғлиқни сақлаш соҳаси раҳбарлари ҳамда симпозиумнинг барча иштирокчиларини самимий қутладилар.

(Давоми 5-бетда).

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг маърузаси билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОНДА ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ: «СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ ОЧИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарама Бош директор хоним,

Хурматли симпозиум иштирокчилари, хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азиз меҳмонларимизни, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНИСЕФ, Тараққиёт дастури ва Аҳолишунослик жамғармаси каби нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, дунёнинг кўплаб мамлакатлари соғлиқни сақлаш соҳаси раҳбарлари, бугунги симпозиумнинг барча иштирокчиларини қутлаш ва ўзининг чуқур эҳтиромимни изҳор этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Яқинда бунёд этилган, миллий ва замонавий архитектура ҳамда шаҳарсозликнинг энг яхши намуналарини ўзида муҳассас этган, бугун халқаро анжуман ўтаётган ушбу ноёб комплекс икки қисмдан — Миллий кутубхона ва Симпозиумлар саройидан иборат. Мазкур муҳташам саройда биз қабул қилаётган илк меҳмонлар сиз, энг инсонпарвар ва олижаноб соҳа — оналик ва болаликни муҳофаза қилишга бағишланган ушбу халқаро форум иштирокчилари эканингизнинг ўзи кўп жиҳатдан рамзий ва тарихий аҳамиятга эгадир.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, хурматли Маргарет Чен хоним, барча меҳмонларимизга ушбу Форумда иштирок этиш ҳақидаги таклифимизни қабул қилганингиз учун самимий миннатдорлик билдираман.

Сизларнинг атоқли хорижий олимлар ва тиббиёт оламининг юксак обрў-эътиборга эга мутахассислари иштирокида Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган умуммиллий дастурнинг муҳим таркибий қисми сифатида шаклланди оналик ва болаликни муҳофаза қилиш моделининг муҳофаза этилиши биз учун катта шарафдир.

Мамлакатимизда умумэтироф этилган шир — «Соғлом она — соғлом бола» тамойили, ўз моҳиятига кўра, аҳолини жипслаштирувчи ва сафарбар этувчи даъват бўлиб, давлат ва жамият даражасига кўтарилган устувор вазифага айланган.

Биз бу муҳим вазифанинг ижросига киришар эканмиз, одамлар саломатлигини муҳофаза қилишнинг бутун тизимини чуқур ислоҳ этиш ва модернизация қилиш асосидагина олдимизга кўйган мақсадга эришиш мумкинлигини теран англаб етганимизни таъкидлаб ўтмоқчиман.

Мустақил ривожланиш йилларида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишни давом эттириш ва янгилаш имконини бераётган мустақам пойдевор яратилди, деб айтиш учун бугун барча асосларимиз бор.

**Биринчидан**, энг юқори таълаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ва уларнинг шаҳар ҳамда туманлардаги бўлимлари, тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат аҳолига бепул, юқори малакали шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мутлақо янги ва ноёб ягона тизим шакллантирилди. Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази мазкур тиббиёт муассасаларига раҳбарлик қилмоқда ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини амалга оширмоқда.

**Иккинчидан**, мамлакатимизда ташкил этилган 3200 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ислоҳ этиш ва унинг қўйи бўғинини кучайтиришда гоят муҳим роль ўйнамоқда. Шунга эътиборингизни қаратишни истардимки, бу ерда гап бошқа мамлакатларда мавжуд бўлган фельдшерлик-акушерлик пунктлари ҳақида эмас, балки замонавий тиббиёт техникаси билан жиҳозланган ва умумий амалиёт шифокорлари биринчи тиббий ёрдам кўрсатаётган пунктлар ҳақида бормоқда.

**Учинчидан**, туман ва вилоят даражасидаги соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғи оптимallasштирилди, замонавий асбоб-ускуналар билан яхши жиҳозланган ва малакали кадрлар билан таъминланган ихчам туман тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли шифохоналари ҳамда поликлиникалари ташкил этилди.

**Тўртинчидан**, бугунги кунда мамлакатимизда эътироф этилган илмий мактаблар негизда 10 та республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлар ташкил этилиб, улар кардиология ва кардиожаррохлик, акушерлик ва гинекология, урология, офтальмология, пульмонология ва фтизиатрия, эндокринология каби йўналишларда фаолият кўрсатмоқда. Ушбу марказларда юқори малакали, юксак даражадаги касб тайёргарлигига эга кадрлар замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида юқори технология тиббий хизматлар кўрсатмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида бизнинг барча савий-ҳаракатларимиз, аввало, узоқ муддатли самарали мақсадга, яъни миллат генофондини сақлаш ва яхшилаш, аҳолининг умр кўриш давомийлигини ва турмуш даражасини ошириш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун шарт-шароит яратишга қаратилди. Табиийки, бунинг учун улкан вазифаларни, жумладан, одамлар психологияси ва онгини ўзгартиришга доир ишларни амалга оширишга тўғри келди.

Хусусан, соғлом оилани шакллантириш ва ирсий касалликларга чалиниш мумкин бўлган ҳолатларни камайтириш мақсадида мамлакатимизда турмуш қураётган шахсларни никоҳдан олдин

мажбурий тиббий кўриқдан ўтказиш тизими жорий этилди.

Ушбу масалага кенгроқ қарайдиган бўлсак, шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, жамиятда, айниқса, ёшлар ўртасида маънавий муҳит ва одоб-ахлоқ, оилани мустақамлаш, оила ришталари барқарорлигини таъминлашга мамлакатимизда ҳар доим катта эътибор қаратилган ва бугунги кунда ҳам бу анъана юксак қадрланади. Ўйлайманки, соғлом оила, оиладаги соғлом муҳит соғлом бола туғилишида қандай улкан аҳамиятга эга эканини исботлаб ўтиришга ҳолат йўқ.

Бугун Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ жойлардаги барча ҳомиладор аёллар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан соғлом наслни шакллантириш учун зарур поливитаминалар билан таъминланмоқда.

Махсус давлат дастури доирасида замонавий она ва бола скрининг марказлари тармоғининг ташкил этилганига алоҳида эътибор қаратишимизни истардим. Улар ишга тушган 2000 йилдан буён мамлакатимизда ирсий ва туғма нуқсонли болалар туғилиши 1,7 баробардан зиёд камайди.

Мамлакатимизда икки ёшгача бўлган барча болалар бепул эмланмоқда, бу, ўз навбатида, дифтерия, қоқшол, полиомиелит каби касалликларга бутунлай барҳам бериш имкониятини яратди. 14 ёшгача бўлган болаларнинг деярли 100 фоизи йилга икки марта, туғиш ёшидаги аёллар эса ҳар йили чуқур тиббий кўриқдан ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ўтган 20 йил давомида оналар ва гўдаклар ўлими уч баробардан кўпроқ камайди. Ўзбекистон жорий йилда «Болаларни асрайлик» халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингига ўсиб келатган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатилган давлатлар орасида 9-ўринни эгаллади.

Юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш масаласи соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этишда муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда Тошкент тиббиёт академияси қаторида Самарқанд, Андижон, Бухоро, Урганч ва Нукус каби шаҳарларда тиббиёт олий ўқув юртлари фаолият кўрсатмоқда.

Олий маълумотли тиббиёт ҳамшираларини тайёрлашни ташкил этишнинг принципиал жиҳатдан янги тизими шакллантирилди.

Мамлакатимиз тиббиёт институтлари «Шарите» (Германия), Гарвард (АҚШ), Манчестер (Буюк Британия), Вена (Австрия) университетлари клиникалари каби етакчи хорижий тиббиёт муассасалари, Россия ва Украинанинг машҳур марказла-

ри, Япония, Жанубий Корея ҳамда бошқа давлатлардаги йирик госпиталлар билан яқин ҳамкорликда ишлаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Мана шу юксак минбардан ушбу залда йиғилган Форум қатнашчилари номидан уларга самимий миннатдорлик изҳор этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Мамлакатимизда одамлар саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилаётган улкан эътибор, авваламбор, бу соҳани ривожлантиришга йўналтирилаётган инвестициялар ва маблағларда ўзининг аниқ исботини топмоқда.

Мамлакатимиз давлат бюджетиде соғлиқни сақлаш соҳасига сарфланаётган харажатлар улуши 15,7 фоизни, ялпи маҳсулотга нисбатан эса 4,1 фоизни ташкил этади.

Соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини мустақамлаш, уни замонавий асбоб-ускуналар ва тиббий техника билан қайта жиҳозлашга ўтган даврда 700 миллион доллардан зиёд имтиёзли кредитлар, донорларнинг грант маблағлари жалб этилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамай, кейинги уч йилда соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаш ҳажми 2,5 баробар кўпайди.

Бепул ва пуллик тиббий хизмат кўрсатиш масалаларига қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Ўзбекистонда аҳоли учун барча биринчи тиббий ёрдам бепул ҳисобланади. Шошилич тиббий ва педиатрия ёрдами, туғуруқ ва ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам, шунингдек, онкологик, юқумли ҳамда бошқа қатор ижтимоий аҳамиятга эга касалликларни даволаш хизматлари ҳам шу асосда амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, замонавий ва сифатли тиббий ёрдам қимматбахо, бунинг устига, мунтазам янгилашни талаб қиладиган асбоб-ускуналарга, шунингдек, қиммат дори воситалари ҳамда препаратларга асосланишини ҳаммамиз жуда яхши тушунамиз. Бу эса бепул ва пуллик даволаш ишларини оқилона уйғунлаштирган ҳолда олиб боришни тақозо этади.

Биз танлаган соғлиқни сақлаш модели қанчалик тўғри ва самардорлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор. Бу ҳақда кўп гапирмасдан, биргина мисол келтирмоқчиман. 1991 йилдан буён ўтган даврда юртимизда одамларнинг ўртача умр кўришини 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўришини эса 75 ёшга узайтиришга эришдик.

Бизнинг тажрибамиз соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар доимий ва узлуксиз жараён эканидан далолат беради. Тиббиёт ҳам илмфан, ҳам амалиёт сифатида мунтазам такомиллашиб бормоқда ва бу бизнинг миллий соғлиқни сақлаш моделимизда ўз ифодасини

топмоқда.

Шу кунларда биз ислохотларнинг янги босқичи билан боғлиқ вазифаларни амалга оширишга киришдик. Бу борада соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғини оптимallasштиришни ниҳоясига етказиш ва уларни энг замонавий аппаратура билан босқичма-босқич қайта жиҳозлаш кўзда тутилмоқда. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг моддий-техник, илмий ва амалий базаси янада яхшиланади, уларда акциядорлаштириш жараёнлари амалга оширилади, ушбу муассасаларда ишлаётган тиббиёт ходимларини рағбатлантириш, якуний натижалар учун уларнинг масъулиятини ошириш механизми жорий этилади.

Бу мақсадлар учун турли манбалар ҳисобидан яқин йилларда 1,5 миллиард АҚШ долларига тенг маблағлар йўналтирилади ва биз масалага нафақат аҳоли фаровонлиги ва саломатлигини мустақамлашнинг муҳим омилли, балки иқтисодиётимизни юксалтириш ва жамиятимиз барқарор тараққиётининг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида қарамоқдамиз.

Хурматли симпозиум иштирокчилари!

Бугунги халқаро форум натижалари пировардида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга ҳизмат қилишига ишонаман. Зеро, ҳар бир одам учун узоқ ва соғлом умр кўриш бахтли ҳаёт кечирининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

Сўзимнинг якунида шунинг таъкидламоқчиманки, соғлиқни сақлаш соҳасида эришган ва биз ҳақли равишда фахрланидиган барча ютуқларимиз асосида, аввало, минг-минглаб тиббиёт ходимлари — шифокорлар, ҳамширалар, олимлар ва мутахассислар, ўзининг тинимсиз ва фидокорона меҳнати билан инсонга шифо бериш, унинг дардига маълум бўлиши муқаддас бурч деб билладиган барча олижаноб касб эгаларининг билими, тажрибаси ва маҳорати мужассамдир.

Дейдиларки, бу дунёда Яратганимиз томонидан ато этилган иккита касб бор: биринчиси — ўқитувчилик, иккинчиси — шифокорликдир. Ўзининг олижаноб касбига содиқ шифокор ҳар кунинг энг яхши инсоний фазилатларини намоён этиб, барчамизга олий инсонпарварлик мақсадларига холис хизмат қилишнинг ёрқин намунасини кўрсатади.

Ушбу юксак минбардан туриб, сиз ва сизларнинг тимсолингизда мазкур олижаноб касб эгаларига чин қалбдан ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман. Сизларга сиҳат-саломатлик, ишларингизга муваффақият тилайман. Яна бир бор меҳмондўст ўзбек заминига хуш келибсиз.

Эътиборингиз учун ташаккур!

# ЖССТ БОШ ДИРЕКТОРИ МАРГАРЕТ ЧЕННИНГ «ЎЗБЕКИСТОНДА ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ: «СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ ОЧИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийлари,

Муҳтарам вазирлар,  
Хурматли симпозиум иштирокчилари,  
Хонимлар ва жаноблар!

Сўзимни Ўзбекистон Республикаси ҳукуматида она ва бола саломатлиги масалалари бўйича ушбу халқаро симпозиумни ташкил этгани учун миннатдорлик билдиришдан бошлашга ижозат бергайсизлар.

Оналар, чақалоқлар ва ёш болалар саломатлигини яхшилаш халқаро соғлиқни сақлаш тизими олдида турган энг муҳим ва мураккаб вазифалардан бири ҳисобланади.

Она ва бола саломатлигини асрашни асосий устувор вазифа сифатида белгилаш нафақат бугунги кун, балки келажак учун қўйилган тўғри қадамдир.

Бу Ўзбекистонда амалга оширилаётган “Соғлом она — соғлом бола” миллий сиёсатининг номланишида ҳам яққол ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган бу дастур оналар ва болалар ҳақида ғамхўрликнинг барча зарур жиҳатларини — бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва стационар даволаш; мунтазам профилактика кўригидан ўтказиш ва шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш; эмлаш орқали касалликларнинг олдини олиш; скрининг воситасида эрта ташхис қўйиш, шунингдек, болаларда тез-тез учрайдиган бахтсиз ҳодисалар ва жароҳатланиш ҳолларида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни ўз ичига олган.

Ўзбекистонда, айниқса, овқатланиш масалаларига катта эътибор қаратилаётганини таъкидлаш менга алоҳида мамнуният бахш этади. Афсуски, соғлиқни сақлаш соҳасига оид кўплаб дастурларда бу иш билан қишлоқ хўжалиги ёки савдо ташкилотлари шуғулланиши керак, деган қарашдан келиб чиққан ҳолда, ушбу масалаларга етарлича эътибор берилмайд.

Айни пайтда дунёнинг бошқа мамлакатларида унчалик аҳамият берилмайдиган яна бир соҳа — ўсмирлар саломатлиги масаласига ҳам Ўзбекистонда доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Саломатлиқни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутадиган спортни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмаётгани ҳам таҳсинга сазовордир.

Ўзбекистонда ушбу чора-тадбирлар дунёнинг кўплаб мамлакатларида одамлар ўта мураккаб даврни бошидан кечираётган бир пайтда амалга оширилмоқда.

Жорий йилда мисли кўрилмаган табиий офатлар, сув тошқинлари, цунами, ядро фалокатлари, Африка қитъасида ом-

мавий очарчилик, Яқин Шарқдаги бир неча давлатларда ҳукуматларнинг алмашишига олиб келган фуқаролар можаролари рўй берди.

Биз глобал инқирозлар кетма-кет содир бўлаётган мураккаб бир даврда яшаймиз. Иқтисодий вазиятнинг ёмонлашиши давом этмоқда. Аксарият мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ҳаддан зиёд ошиб кетди. Бу, айниқса, кам таъминланган оилаларда етарлича тўйиб овқат емасликка сабаб бўлмоқда.

Таркибида шакар, туз ва ёғ кўп, аммо муҳим тўйимли моддалар миқдори ниҳоятда кам бўлган қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотлари дунёнинг деярли ҳар бир мамлакатига янги озиқ-овқат маҳсулотига айланди. Бундай маҳсулотлар нисбатан арзон ва қоринни тўйдириш учун қулай бўлса-да, юкмайдиган сурункали касалликларнинг кескин кўпайишига олиб келади.

Ўзбекистонда эса, ҳатто глобал инқирозлар даврида ҳам аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари муттасиллашиб, умр кўриш давомийлиги юксалмоқда. Ўзбекистон бу билан ҳақли равишда фахрланса арзийди.

Биз Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан яқин муносабатларни кўллаб-қувватлаётганини юксак қадрлаймиз.

Менга Ўзбекистонда аҳолини изчил ва самарали эмлаш дастури муваффақиятли амалга оширилаётгани ҳақида маълумот берди.

Бундай ёндашув, айниқса, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, шунингдек, аҳоли ҳаётига таҳдид солиши мумкин бўлган хавфли юқумли касалликларни тез аниқлашда гоёта муҳим аҳамиятга эга.

Хонимлар ва жаноблар!  
Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан она ва бола саломатлиги энг устувор вазифа сифатида белгиланди.

Жорий аср бошида давлатлар раҳбарлари Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олди. Бунда она ва бола саломатлиги устувор вазифа сифатида амалга ошириш муддати белгилаб берилган камсонли мақсадлар ҳамда вазифалар сирасига киритилган.

Ўтган ўн йиллик ушбу мақсадларга эришиш йўлидаги устувор йўналишларни аниқ белгилаш ва бу борада саъй-ҳаракатларни бирлаштириш катта аҳамиятга эга эканини кўрсатди.

Бир неча ўн йиллар мобайнида бутун дунёда оналар ўлими кўрсаткичи йилига ярим миллион даражасида барқарор сақланиб келди. Бу рақамлар соғлиқни сақлаш соҳасидаги аниқ, ачинарли ва

доимий маълумотлар сифатида қайд этиб келинди.

Сўнгги ўн йилда бу борада шиддатли ўзгаришларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. ЖССТ ва ЮНИСЕФнинг 2010 йилги статистик маълумотлари бутун дунёда оналар ўлими сезиларли даражада камайганини кўрсатмоқда. Бунда энг катта, яъни 60 фоиз камайиш Шарқий Осиё ва Шимолий Африкада кузатилмоқда.

Бизда яна бир хушxabар бор. Ўтган ўн йилда беш ёшгача бўлган болалар орасида ўлим ҳолатлари ярим асрдан ортиқ давр ичида илк бор 10 миллиондан пасайди ва бу камайиш давом этмоқда. Бугунги кунда ушбу кўрсаткич дунё бўйича 7,6 миллион ҳолатни ташкил этади.

Арзон ва самарали чоралар ёрдамида бундай аянчли ҳолатларнинг учдан икки қисмидан зиёдрогининг олди олинганида, мазкур кўрсаткич янада яхши бўлиши мумкин эди.

Шунга қарамай, биз ижобий ва сезиларли натижаларга эришганимизни эътироф этиш зарур.

Хонимлар ва жаноблар!  
Ўзбекистон бу борада ўз ютуқлари билан фахрланса арзийди. Халқаро статистика шуни кўрсатмоқдаки, оналар, гўдақлар ва болалар ўлимининг олдини олиш осон иш эмас.

Бунга эришишнинг сабаблари кўп ва уларнинг айримларигагина тўхталиб ўтишга ижозат бергайсизлар.

**Биринчидан**, бу муаммо кўплаб мамлакатларда, одатда, баландпарвоз гаплару юксак ваъдалар бериш билан муҳокама этилади. Аммо, мавжуд тажрибадан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, бундай ғамхўрлик сиёсий ирода ва қатъият билан мустаҳкамланмаса, биз ҳеч қачон бу борада тараққиётга эриша олмаймиз.

Ўзбекистонда эса 1991 йилдан буён сиёсий масъулия юксак даражада эканини кўриб турибмиз.

**Иккинчидан**, айниқса, қишлоқ жойларда сифатли, яхши ривожланган, нисбатан арзон ва барча фойдаланиши мумкин бўлган тиббий хизматларсиз оналар ўлимини камайтиришда тараққиётга эриша олмаймиз.

Оналар ўлимининг олдини олиш самарадорлиги, шунингдек, тўлиқ малакали шошилиш акушерлик ёрдами ва ундан фойдаланиш имкониятларининг нечоғли кенглигига ҳам боғлиқ.

Ўзбекистон ушбу муаммоларни, жумладан, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш ва уни халқаро принциплар, хусусан, биринчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш нормаларига мувофиқлаштириш ҳамда аҳолининг тиббий хизматлардан тенг фойдаланишини таъминлаш орқали самарали ҳал этмоқда.

Бундай ислохотлар жамиятда ижтимоий адолатнинг мустаҳкамланишига ва катта иқтисодий самарадорликка эришишга хизмат қилади.

Зотилжам билан касалланган кичик ёшдаги болаларни уй шароитида антибиотиклар билан бемалол даволаш мумкинлиги ҳақида далиллар бор. Ҳолбуки, бу касаллик ушбу ёш гуруҳида ўлимга олиб келадиган энг кенг тарқалган икки сабабдан бири ҳисобланади.

Бундай болаларни ҳар доим ҳам шифохонада даволаб бўлмайди. Негаки, у ерда уларнинг нозик организми бошқа беморлардаги мавжуд кўплаб вируслар таъсирига дучор бўлиши мумкин.

Уй шароитида безгак касаллигини даволаш масаласида ҳам шундай хулосага келиш мумкин.

Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлашдаги муаммолар нафақат техник ёки тиббий хусусиятга эга, балки биринчи навбатда, ижтимоий, маданий ёки сиёсий омиллар билан ҳам боғлиқдир. Бу муаммоларни қонунчилик ва ижро ҳокимияти органлари томонидан қатъий қўллаб-қувватланадиган юқори давлат даражасидаги одилон сиёсатни амалга ошириш орқалигина камайтириш, ҳаттоки, уларга бутунлай барҳам бериш мумкин.

Масалан, жаҳоннинг аксарият давлатларида аёллар ўзининг ёки фарзандларининг ҳаёти қил устида турган бўлса-да, тиббий ёрдамга мурожаат қилиши учун эри ёхуд унинг қариндошларидан руҳсат олиши керак.

Бундай муаммоларнинг ҳар бирини миллий даражада ҳал этиш фойдалани эканини таъкидламоқчиман.

Соғлиқни сақлаш тизими ижтимоий институт ҳисобланади ва болаларни дунёга келтириш ҳамда дори препаратларини тарқатишдан ташқари ҳам яна кўплаб масалаларни ўз ичига олади. Адолатли бошқариладиган ва маблаб билан таъминланадиган соғлиқни сақлаш тизими ижтимоий тотувлик ҳамда барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Зеро, дунёда бугун кўплаб муаммоларга дуч келадиган ҳар қандай мамлакат ижтимоий барқарорликка интилади.

Хонимлар ва жаноблар!  
Нафақат ютуқлар, балки истикболдаги вазифаларга ҳам тўхталиб ўтмоқчиман.

Дунёнинг турли мамлакатлари тажрибаси билан танишиш, илғор амалиётларни ўрганиш ва самарали ечимларни аниқлаш мазкур халқаро симпозиумнинг мақсадларидан биридир.

Ҳар бир мамлакатда ўзига хос ва саломатлик билан боғлиқ талай муаммоларни ҳал этиш кўп жиҳатдан мавжуд шарт-шароит-

га боғлиқлигига қарамай, бу борада муваффақиятга эришишнинг катта халқаро тажриба ва жиддий далилларга асосланган бир неча муҳим йўллари қайд этиб ўтишга ижозат бергайсиз.

**Биринчидан**, эмлаш — натижага эришишнинг самарали усули ҳисобланади. Болаларни эмлаш соғлиқни сақлашнинг энг қудратли ва иқтисодий жиҳатдан самарали профилактика чораси бўлиб қолмоқда.

**Иккинчидан**, оилани режалаштиришга оид хизматлардан тенг фойдаланиш имконияти муваффақиятга эришишнинг яна бир осон услубидир. Мазкур ёндашув Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида ўзининг яққол ифодасини топган.

**Учинчидан**, ўсмир қизлар орасида ҳомиладорлик ҳолатларини камайтириш вазни кам чақалоқлар туғилишининг олдини олишга ёрдам беради ва қизларни қашшоқликка маҳкумлиқ ҳамда ижтимоий яқкаланиб қолишдек мушкул аҳволдан сақлайди.

**Тўртинчидан**, тўйиб овқат ейиш ҳомиладор ва эмизикли аёллар ҳамда болалар учун ниҳоятда муҳимдир.

Овқатланиш масаласи симпозиум кун тартибига киритилганини эътиборга олганда, форум иштирокчилари тўғри парҳезнинг муҳимлиги ҳақида батафсил ахборотга эга бўлиши мумкин.

Бу борадаги энг сўнгги маълумотлар овқатланиш билан боғлиқ масалаларнинг нақадар муҳимлигидан далолат беради. Боланинг она қорнида ёки туғилгандан сўнг дастлабки йилларда тўйиб овқатланмаслиги кейинчалик сурункали юрак, саратон ва айниқса, қандли диабет касаллигининг ривожланиш хавфи ошишига олиб келади.

Хонимлар ва жаноблар!  
Пировардида Ўзбекистонга, унинг халқи ва ҳукумати, шифокорлар, ҳамширалар ва соғлиқни сақлаш соҳасининг бошқа ходимларига, айниқса, оналар, янги туғилган чақалоқлар, ёш болалар ва ўсмирларга энг яхши истакларимни билдириш ҳамда муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон бу борада ўзининг оқилона стратегияси, сиёсати ва устувор йўналишларини белгилаб олган. Соғлом она ва соғлом бола — бу келажак авлодлар камолга етишининг энг тўғри йўлидир. Бу соғлом жамият барпо этиш ва ҳар томонлама баркамол шахсни вояга етказиш кафолатидир.

Буларнинг ҳаммаси, барча соғлиқни сақлаш ходимлари, шу жумладан, мен ҳам кўришни орзу қилган натижа ҳисобланади.

Эътиборингиз учун ташаккур.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

# СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ИСЛОҚ ҚИЛИШНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

1. 2012-2015 йилларда республика соғлиқни сақлаш тизимини ислоқ қилишни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

аҳолига, айниқса қишлоқ жойларда, юқори сифатли бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишида кенг имкониятлар яратилишини таъминлаш, фуқароларга касалликлар профилактикаси ва соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича диагностика ҳамда амбулатория-профилактика муассасаларининг иш самарадорлигини тубдан ошириш;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг мавжуд қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини оширган, замонавий ускуналар билан, шу жумладан уларни халқаро молия институтлари кредитлари ва грант маблағлари ҳисобидан жиҳозлаган ҳолда туман (шаҳар) даражасида тиббиёт муассасалари тармоғи ва ўринлар фондиди мақбуллаштириш ҳамда таркибий қайта қуриш;

замонавий, халқаро тажрибадан ўтказилган ташкилий ва молиявий менежмент усуллари татбиқ этиб республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш ва доимий равишда қайта жиҳозлаб бориш;

тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати самарадорлигини, улар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг тезкорлиги ва сифатини ошириш, уларни тизимли асосда энг янги ташхис ва даволаш ускуналари билан қайта жиҳозлаш, замонавий мобил тиббий ускуна ва алоқа воситалари билан бутланган махсус автотранспорт билан қўшимча жиҳозлаш;

она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш Миллий моделига мувофиқ оналар ва болалар соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, перинатал, скрининг марказлари, туғруққа кўмаклашиш ҳамда педиатрия муассасаларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

аҳолини вирусли ва юқумли касалликлардан муҳофаза қилишнинг профилактик тадбирларини кучайтириш ҳамда ишончлилигини ошириш, онкологик ва сил касаллигига қарши хизматлар муассасала-

ри моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, профилактика ишларининг, ижтимоий аҳамиятга эга касалликларни барвақт аниқлаш ва даволашнинг самарали тизимини шакллантириш;

замонавий ташхис ва даволаш ускуналарига, юқори ма-лакали тиббиёт кадрларига эга хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини тартибга солиш ва лицензия беришни янада такомиллаштириш, уларга нисбатан тасдиқланган даволаш стандартларига мувофиқ равишда аҳолига сифатли ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш талабларини ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 18 июлдаги Р-3676-сонли фармойиши билан тузилган Комиссиянинг:

2012-2015 йилларда 1- ва 2-иловаларга мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган соғлиқни сақлаш тизими стационар муассасалари тармоғи ва ўринлар фондиди мақбуллаштириш тўғрисидаги;

2012-2014 йиллар мобайнида олис қишлоқ аҳоли пунктларида қишлоқ аҳолиси учун бирламчи тиббий ёрдамдан қулай ва тез фойдаланишни таъминлайдиган қўшимча 102 та қишлоқ врачлик пунктларини 3-иловага мувофиқ барпо этиш тўғрисидаги;

100 та туман тиббиёт бирлашмаларини 93 миллион АҚШ доллари миқдоридagi "Саломатлик-3" лойиҳасини Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга ошириш доирасида замонавий лаборатория, ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозланадиган туман тиббиёт муассасаларининг ташхис, стационар ва кўмакчи бўлинмаларини бир ҳудудда ихчам жойлаштириш асосида модернизация қилиш тўғрисидаги;

КФВ банкининг 27 миллион евро миқдоридagi имтиёзли кредитлари ва грант маблағлари ҳисобига жиҳозланадиган барча вилоятлар ва Нукус шаҳридаги кўп тармоқли болалар тиббиёт марказларининг биноларини, шунингдек, умумий қиймати 13 миллион евро миқдориди жалб этиладиган имтиёзли кредитлар ва Германия ҳукуматининг грант маблағлари ҳисобига жиҳозланадиган катталар учун мўлжалланган 5 та тиббиёт марказларининг биноларини реконструкция қилиш ҳақидаги;

2012-2013 йилларда 4-иловага мувофиқ республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини босқичма-босқич акциялаштириш тўғрисидаги

таклифи қабул қилинсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини акциялаштириш қўйидаги шартларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади:

республика ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари акцияларининг 51 фоизини давлатда сақлаб қолган ҳолда, давлат улуши бўйича тегишли бўлган дивидендларни 2020 йилни ҳам ўз ичига олган даврда биринчи навбатда ихтисослаштирилган марказларни тўлиқ жиҳозлаш ва қайта жиҳозлаш учун замонавий тиббиёт ускуналарини харид қилишга йўналтириш;

акцияларнинг 49 фоизини ихтисослаштирилган марказларнинг меҳнат жамоаларига (улушни тасарруф қилиш ва тақсимлаш ҳуқуқисиз) фойдаланиш учун бериб, улар бўйича тегишли бўлган дивидендларни ихтисослаштирилган марказ фаолиятининг пировард молиявий натижаларида ходимларнинг меҳнат иштироки коэффицентига қараб уларни (шу жумладан, марказларнинг раҳбарлар таркиби учун 10 фоизгача) моддий рағбатлантиришга йўналтириш;

республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари Кенгашларининг таркибига Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор тузилмаларнинг вакилларини киритган ҳолда уларнинг зиммасига марказлар фаолияти стратегиясини шакллантиришда фаол қатнашиш, Кенгаш томонидан тасдиқланадиган бизнес-режалар бажарилишини назорат қилиш, бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланилиши устидан мониторингни амалга ошириш вазифаларини юклаш.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигини Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган вилоят ва туман бўғинидаги 46 та соғлиқни сақлаш муассасаларини босқичма-босқич ўзини-ўзи тўла молиялаштиришга ўтказиш, шунингдек, 57 та тиббиёт муассасаларининг умумий харажатларини молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағлар салмоғини ошириш ҳақидаги таклифлари 5- ва 6-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 2012-2015 йилларда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жам-

фармасининг маблағлари ҳисобига тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш дастурларини шакллантириш чоғида қишлоқ врачлик пунктларини, туман тиббиёт бирлашмалари ҳамда вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шу жумладан болалар тиббиёт марказларининг биноларини реконструкция қилиш ва қуриш учун капитал маблағларнинг зарур лимитларини назарда тутсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

2012-2015 йилларга мўлжалланган дастурий чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаган ҳолда, республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг, кечиктириб бўлмайдиган ва шошилинч тиббий ёрдам хизматлари, онкология хизматининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, силга қарши муассасаларни энг аввало, халқаро молия институтлари ҳамда донорларнинг грантлари ва имтиёзли кредитлари ҳисобига тубдан қайта жиҳозлаш бўйича молиялаштиришнинг аниқ манбалари ва уларни амалга ошириш муддатларини кўрсатиб ўтсин;

хусусий тиббиёт муассасаларига лицензиялар бериладиган тиббий фаолият ихтисослашув турларининг янгиланган рўйхатини, ундан одамларнинг, айниқса болаларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун юқори даражадаги хатар билан боғлиқ турларини чиқариб ташлаб, шунингдек, хусусий тиббиёт муассасалари учун лицензия талаблари ва шартларини ҳамда уларга риоя этилиши учун жавобгарликни кучайтирган ҳолда Тиббий фаолиятни лицензиялаш тўғрисида янги таҳрирдаги низомни тасдиқласин.

2012 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан хусусий тиббиёт муассасаларининг лицензия талаблари ва шартларига риоя этишлари ҳусусида ўтказётган текширувлари назорат қилувчи идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши ва унинг ҳудудий комиссиялари билан қўшимча равишда келишилмаган ҳолда амалга ошириладиган Назорат идораларининг назорат функциялари рўйхатига киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

Тошкент шаҳри,  
2011 йил 28 ноябрь.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан ҳамкорликда 2012 йилнинг 1 мартига қадар вилоятларнинг тиббий ташхис марказларини, республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини, кечиктириб бўлмайдиган ва шошилинч тиббий ёрдам хизматлари ва онкология хизмати ҳамда сил касалига қарши муассасаларни зарур асбоб-ускуна ва анжомлар билан жиҳозлаш учун халқаро молия ташкилотлари ҳамда донор мамлакатларнинг имтиёзли кредитлари ва грантларини жалб этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифларни киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2012-2015 йилларда туман тиббиёт бирлашмаларининг тармоғи ва ўринлар фондиди мақбуллаштириш, шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш муассасалари умумий харажатларини молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағлар салмоғини босқичма-босқич кўпайтириб бориш бўйича ушбу қарор билан тасдиқланган жадвалларга риоя этилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин, бўшайдиган маблағларни соғлиқни сақлаш муассасаларининг анжомлар, сарфланадиган материаллар, реактив ва дори-дармонлар билан таъминлишини яхшилашга мақсадли йўналтирилишини назарда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоқ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида" Фармонида берилган солиқ ва божхона имтиёзлари 2018 йилнинг 1 январигача узайтирилсин, божхона имтиёзлари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан олиб келинадиган тиббиёт ускуналарига, бутловчи буюмларга, тиббиёт ускуналарининг эҳтиёт қисмлари ва сарфланадиган материалларига нисбатан жорий этилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**И. КАРИМОВ.**

Симпозиум

# ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ ЖАҲОН НИГОҲИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш тизимида эришилган муваффақиятларда минг-минглаб тиббиёт ходимлари – шифокору ҳамширалар, олимлар ва мутахассисларнинг фидойи меҳнатлари борлигини яна бир бор таъкидлаб, улар-

(Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори **Маргарет Чен** хонимнинг маърузаси билан газетанинг 3-саҳифасида танишасиз).

Мамлакатимизда инсон ва унинг манфаатлари, эл соғлиғини мустаҳкамлаш, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг усту-

Авалло, эзгу мақсадлар, яъни юртимизда оналар ва болалар саломатлигига бўлган эътибор, бу – келажакка бўлган эътибор демакдир. Шу ўринда айтишимиз лозимки, оналик ва болалик муҳофазасини тубдан яхшилаш Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги Фармони билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурига киритилган асосий устувор вазифалардан бири этиб белгиланганлиги, бугунги муваффақиятларимизнинг асосига айланди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон кўшилган илк халқаро ҳужжатлардан бири ҳам 1992 йил 9 декабрда парламентимиз томонидан ратификация қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциядир. 2008 йил 8 январда эса "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга кирди. Шунингдек, мамлакатимизда илк давлат мукофотларидан бири сифатида "Соғлом авлод учун" орденининг таъсис этилиши ҳам рамзий маънога эгадир.

Симпозиумнинг ялпи мажлисида юртимизда яратилган тиббий хизмат кўрсатиш, айниқса, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели тўғрисида ҳам маълумотлар бериб борилди. Анжуман давомида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири **Адхам Икрамов**, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюроси директори **Жужанна Якаб хоним**, ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа ва МДХ мамлакатлари бўйича минтақавий директори **Стивен Аллен**, Латвия Республикаси соғлиқни сақлаш вазири **Ингрида Цирицне**, Озарбайжон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири **О. Ширалиев**, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили **Анита Нироди**, ЮНФПАнинг Марказий Осиёдаги суб-минтақавий офиси директори **Николай Ботев**, Европа педиатрлар ассоциацияси вице-президенти, Европа

мактабининг халқаро дастурлар бўйича илмий жамиятлар кўмитаси раиси, профессор **Эдвард Жеймс (АҚШ)** ва бошқалар сўзга чиқиб, ўтган даврда Ўзбекистонда тиббий хизматнинг жаҳон андозалари даражасидаги ўзига хос миллий модели яратилганини таъкидладилар.

Симпозиум доирасида ташкил

позимлар саройида мустақиллик йилларида юртимизда соғлиқни сақлаш тизимида ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида эришилган ютуқларга бағишлаб ташкил этилган кўргазма билан танишдилар. Шу билан бирга, симпозиум давомида республика тиббиёт тизимида, яъни оналар ва



нинг истиқболли ишларига ривож тилаган ҳолда ўзларининг самимий тилакларини билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси

вор вазифаларидан эканлиги, хуллас, аҳолининг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишлари учун барча шароит ва имконият-



этилган "Европа минтақасида 4 ва 5 Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича устувор вазифалар" мавзусида-

болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ижобий ишлар ҳамда самарали натижалар ифода этилган видеофильм қатнашчиларга



Президенти **Ислом Каримов** симпозиум давомида Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Бош директори **Маргарет Ченга** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятини ташкил этиш ва бирламчи тиббий санитария ёрдамини ривожлантириш, хотин-қизлар ва болалар соғлиғини сақлашнинг глобал стратегиясини амалга ошириш борасидаги улкан хизматлари учун биринчи даражали "Соғлом авлод учун" орденини топширди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Бош директори **Маргарет Чен** сўзга чиқиб, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳасига, шу жумладан, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган катта эътибор нафақат бугунги кун, балки келажак нуқтаи назаридан ҳам тўғри стратегия эканлигини алоҳида таъкидлаб, эътироф этди. Нуфузли меҳмон юксак мукофот учун Президентимизга ўз ташаккурини билдирди.



лар яратилаётганлиги эътиборга моликдир. Буларнинг барчаси истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг ёрқин ифодасидир.

педиатрлари илмий кўмитаси президенти **Мануэль Мойя (Испания)**, **Сеул Миллий университетининг педиатрия маркази президенти, Корея Республикаси Болалар кардиологлари ассоциацияси президенти** **Жунг Ил Но**, **Гарвард тиббиёт**



ги давра йиғилиши ҳам бу борадаги халқаро ташкилотлар раҳбарлари, ўнлаб давлатлардан келган мутахассислар, амалиётчи шифокорларни ўз атрофига жамлади. Дастлаб иштирокчилар оналик ва болалик муҳофазаси бўйича глобал миқёсда амалга оширилаётган ишлар билан таништирилди. Бу борадаги рақам ва таҳлиллар давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш, илғор тажрибаларни алмашиш заруратини кўрсатди. Мутахассислар фикрича, бундай ҳамкорлик касалликларни даволаш ва профилактика чоралари билан чекланиб қолмасдан, шифо муассасалари фаолиятини ташкиллаштириш жараёнларини ҳам қамраб олиши лозим. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар тиббиёт тизимининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлган оналик ва болалик муҳофазасида юқори самарадорликка эришиш имконини бераётганлиги таъкидланди.

Шунингдек, иштирокчилар Сим-

намоиш этилди. Симпозиум доирасида ўтказилган 8 та секцияда иштирокчилар томонидан долзарб мавзулар бўйича маърузалар қилиниб, телекўприклар олиб борилди.

Шунингдек, халқаро анжуман иштирокчилари юртимизнинг нуфузли клиникалари Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент шаҳар 5-сонли болалар клиник шифохонаси, 4-сонли болалар юқумли касалликлар шифохонаси ва бир қанча тиббиёт муассасаларига ташриф буюрдилар. Бунинг баробарида маҳорат мактабларида ҳам муҳим мавзулардаги масалалар ўртага ташланиб, ўзаро фикрлар алмашилган бўлса, юртимиз мутахассислари ва меҳмонлар ҳамкорлигида ўтказилган хирургик амалиётлар соҳа ходимларининг тажрибаси ошишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Слово — участникам международного симпозиума

ОГРОМНЫЙ ИНТЕРЕС К ДОСТИЖЕНИЯМ  
УЗБЕКИСТАНА В СФЕРЕ МЕДИЦИНЫ**Маргарет ЧЕН,**  
генеральный директор Всемирной организации здравоохранения:

— Будучи в Республике Узбекистан впервые, у меня сложилось самое положительное впечатление о вашей стране. Прекрасная столица — Ташкент, с ее современным архитектурным обликом, и таинственный город Самарканд с историческими архитектурными памятниками зодчества, в котором мне посчастливилось побывать, как будто повествуют о взаимосвязи истории и сегодняшнего дня и вселяют надежду на счастливое будущее наше и наших детей.

Государство, в котором уделяется столь пристальное внимание здоровью матери и ребенка, достойно самого большого уважения. Здоровая мать — здоровый ребенок, а здоровые дети — это наш завтрашний день. Мне очень приятно и радостно видеть то, что охрана здоровья народа является приоритетной задачей в Республике Узбекистан. И для ее выполнения направляются все силы и средства. Это — строительство медицинских учреждений, оснащение их самым современным медицинским оборудованием, а также качественное образование и повышение квалификации медицинских работников. И проведение столь масштабного симпозиума, к тому же симпозиума, нацеленного на охрану материнства и детства, еще раз подтверждает мои слова. Несомненно, определение правильной стратегии по охране матери и ребенка является самым важным критерием в развитии каждого государства. И с приобретением независимости Республики Узбекистан в каждой проделанной вами работе, в каждом пройденном шаге чувствуется высокая ответственность за здоровье матери и ребенка.

Пользуясь возможностью, я бы хотела поблагодарить Президента Республики Узбекистан и весь узбекский народ за столь теплый прием. И пожелать каждому жителю вашей страны, каждой матери, ребенку, подростку самого крепкого здоровья, что является главной целью всех медицинских работников и в том числе и моей.

**Жужанна ЯКАБ,**  
директор Европейского регионального бюро Всемирной организации здравоохранения:

— Симпозиум «Национальная модель охраны здоровья матери и ребенка» стал большим событием не только в системе здравоохранения Республики Узбекистан, но и Всемирной организации здравоохранения. Потому что это говорит о том, что охрана здоровья матери и ребенка — это задача не только одной страны. Принимая участие в работе симпозиума, меня приятно обрадовало то, что охрана материнства и детства столь глубоко отражена в каждом принимаемом решении, в каждой осуществляемой работе. И инвестирование со стороны государства еще раз говорит о том, что данный вопрос возведен в ранг государственной политики страны. С огромным удовольствием хочу отметить, что опыт Узбекистана рассматривается как пример и изучается во многих странах мира.

В свою очередь хотелось пожелать всем участникам симпозиума успехов в нашем главном деле — охране материнства и детства.

**Мануэль МОЯ,**  
вице-президент Европейской ассоциации педиатров, президент Европейского комитета педиатров:

менным оснащением, имея возможность общения с нашими узбекскими коллегами, я еще раз убедился в своих словах. Дети — это наше завтра, это строители будущего и, несомненно, воспитание гармонично развитого поколения — наша главная цель. На примере деятельности медицинских учреждений Узбекистана убеждаешься в том, что охрана здоровья матери и ребенка уделяется пристальное внимание абсолютно на всех этапах и не упускается ни один момент. И благодаря этому значительно снизился показатель материнской и детской смертности. Не остается без внимания вопрос качественного питания, обогащение продуктов питания всеми необходимыми микронутриентами, ведется активная пропаганда грудного вскармливания.

Приводя итог моим словам, хотелось бы поблагодарить весь народ Узбекистана и пожелать всем детишкам вашей страны крепкого здоровья.



— Симпозиум по охране здоровья матери и ребенка действительно прошел на очень высоком профессиональном уровне. Это говорит о том, что в вашей стране системе здравоохранения в целом уделяется особое внимание. И в ходе данного события, ознакомившись поближе с деятельностью медицинских учреждений страны, их совре-



**Симпозиум доирасида ташкил этилган "Европа минтақасида 4 ва 5 Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича устувор вази-фалар" мавзусидаги давра йигилиши ҳам бу борадаги халқаро ташкилотлар раҳбарлари, ўнлаб давлатлардан келган мутахассислар, амалиётчи шифокорларни ўз атрофига жамлади. Дастлаб иштирокчилар оналик ва болалик муҳофазаси бўйича глобал миқёсда амалга оширилаётган ишлар билан таништирилди. Бу борадаги рақам ва таҳлиллар давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш, илғор тажрибаларни алмашиш заруратини кўрсатди. Мутахассислар фикрича, бундай ҳамкорлик касалликларни даволаш ва профилактика чоралари билан чекланиб қолмадан, шифо муассасалари фаолиятини ташкиллаштириш жараёнларини ҳам қамраб олиши лозим.**

**Лео БОКЕРИЯ,**  
директор Российского центра сердечно-сосудистой хирургии им. А. Н. Бакулева:

— Мне приятно в очередной раз посетить вашу прекрасную страну.

Заметим, что в последний раз Лео Бокерия был в Узбекистане в 2004 году. В период его пребывания в нашей стране в РСЦХ им. академика В. Вахидова были проведены операции по устранению заболеваний сердечно-сосудистой системы у детей. И тогда же было подписано соглашение о взаимном сотрудничестве между Российским центром сердечно-сосудистой хирургии им. А.Н. Бакулева и РСЦХ им. академика В. Вахидова.

— А сегодня, будучи в очередной раз в Узбекистане, я радуюсь, видя новые достижения в системе здравоохранения. С точки зрения кардиохирургии, и в этой сфере достигнуты новые вершины. Радует глаз слаженная работа сильного кадрового потенциала.

Проведение столь масштабного симпозиума по охране здоровья матери и ребенка в вашей стране говорит о том, что в Республике Узбекистан очень бережно относятся к вечным ценностям, которые составляют семью, взаимоотношения, здоровую атмосферу и взаимоуважение в семье. А это, заметим, самое главное.

От своего имени позвольте поблагодарить Президента Республики Узбекистан за теплый прием, весь народ, а также всех тех, кто трудился над тем, чтобы провести данный симпозиум на самом высоком уровне. Желаю всему народу Узбекистана крепкого здоровья и дальнейшего процветания.

**Стивен АЛЛЕН,**  
ЮНИСЕФинг Шарқий Европа ва МДХ мамлакатлари бўйича минтақавий директори:

— Биз бу анжуманда иштирок этиб, Узбекистон тажрибасини ўрганаётганимиздан хурсандмиз. ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти кўп йиллардан буён мамлакатингиз билан ҳамкорлик қилади. Шу жумладан, минг йиллик мақсадларга эришиш йўлидаги ҳамкорликлар натижасида мазкур йўналишда Узбекистон жуда яхши кўрсаткичларга эришди. Биз мамлакат раҳбариятининг сифатли овқатланишга оид масалаларни ҳал қилиш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз. Шу жумладан, микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу — саломатлик кўрсаткичларида ўзининг ижобий натижаларини беради. Албатта, келажак авлод саломатлиги учун қилинаётган эзгу ниятли ишлар бардавонлиги бу юртингиз истиклолининг яна бир ифодасидир. Мамлакатингизда ўтказилган ушбу симпозиум 2011 йилнинг муҳим воқеаси бўлиб қолади.

**Леонид РОШАЛЬ,**  
директор Московского научно-исследовательского института неотложной детской хирургии и травматологии:

— Здоровье матери и ребенка, обеспечение всеми необходимыми условиями для его сохранения являются очень актуальной задачей сегодняшнего дня. Ведь дети, как продолжение жизни, строители завтрашнего дня просто должны быть сильными, здоровыми и умными. А проведение в Республике Узбекистан симпозиума по охране здоровья матери и ребенка стало подтверждением того, как в вашей стране для осуществления данной задачи направляются все силы. Действующие медицинские учреждения, подготовка высококвалифицированных специалистов, оказание качественной медицинской помощи населению — это все способствует развитию молодого здорового поколения. Наблюдая за ходом симпозиума, общаясь с коллегами, мне хотелось бы отметить, что слаженная гибкая система здравоохранения Республики Узбекистан достойна похвал, и многим странам есть, чему от вас научиться. В свою очередь хочу пожелать профессиональных успехов всем участникам симпозиума и выразить слова большого уважения узбекскому народу.

**Сўз – халқаро симпозиум қатнашчиларига**

# ЭЪТИРОФГА МУНОСИБ ЮТУҚЛАР

Жаҳоннинг етакчи клиникалари, тиббиёт муассасалари раҳбарлари, мутасаддилар ва олим ҳамда экспертлар иштирокида ўтказилаётган халқаро симпозиум доирасида Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг даволаш ва ташхис қўйиш бўлими биноси тўлиқ таъмирдан чиқарилгандан кейинги очилиш маросими билан уйғунлашиб кетди.

Унда қатнашганлар мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар ва унинг самарасига алоҳида тўхталдилар. 2011 йилнинг январь ойидан ноябрига кадар санитар қонун-қоидалар ва меъёрларга асосланган ҳолда 7 қаватли бино замонавий услубда капитал таъмирдан чиқарилди. Барча хоналар тиббий асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва турли техника воситалари билан таъминланиб, овқатланиш бўлими қайтадан соғланди. Кенг жамоатчилик ҳамда хорижлик мутахассислардан иборат меҳмонлар марказининг мавжуд имкониятлари билан танишар эканлар ўзларининг хайратларини яшира олмадилар. 301 ўринга мўлжалланган мазкур марказ ҳудудида 6 та корпус мавжуд бўлиб, унинг 5 тасида даволаш, ташхис қўйиш учун ҳамма қулайликлар яратилган. Бундай шарт-шароит ўз ўрнида беморни қисқа муддатларда даволанишини таъминлайди. Худди шу жиҳатлар хорижлик экспертларнинг ҳам диққат-марказида бўлди.

**Ингрида ЦИРЦЕНЕ,**  
Латвия соғлиқни  
сақлаш вазири:

– Назаримда бу ерда бемор ҳар томонлама даво топади. Буни Президентингизнинг ўз фуқароларига бўлган муносабатидан ҳам билса бўлади. Касал киши нафақат шифо топади, балки кайфиятининг аъло даражада бўлиши таъминланади, негаки яратилган қулай имкониятлар – булар хирургия хонаси, интенсив терапия ҳамда етук мутахассисларингизнинг мавжудлигидир. Яна шуни эътироф этмоқчиманки, халқаро миқёсда ўтказилган симпозиум юртингизда она ва бола саломатлигига бўлган эътибор ва ғамхўрлик нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳамда бу борада эришган ютуқларингизни намоиш эта олди десам, муболаға бўлмайди.

мажмуалари ҳамда вилоят кўп тармоқли болалар шифохоналарининг фаолияти ҳам намуна олса арзигулик. Шу ўринда кадрлар салоҳиятига берилган эътибор ҳам бундан мустасно эмас. Бунинг баробарида илмий изланишлар борасидаги янгиликлар ўзбек тиббиётининг фан йўлидаги ривожини янада очиб бераётганлигига амин бўлдим. Симпозиум ўзига хос кўтаринки кайфиятда ўтди. Ана шундай муҳим мавзунини танлаб, халқаро симпозиумни ташкил этган давлатингиз раҳбари ҳамда ўзбекистонлик ҳамкасбларимизга ўз миннатдорчилигини билдириб, келгусидаги фаолиятларига муваффақиятлар тилаб қоламман.

**Нуне МАНГАСАРЯН,**  
ЮНЕСКОнинг соғлиқни  
дастури сақлаш ва овқатланиш  
раҳбари:

– Мен авваламбор, ана шундай халқаро миқёсдаги нуфузли симпозиумда иштирок этаётганлигимдан фахрланаман. Шуни эътироф этмоқчиманки, “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она – соғлом бола” мавзусининг танланганлиги дунё миқёсида

марказида бўлар эканман, ушбу тиббиёт муассасасининг ташкил кўринишиданок замон талаблари даражасида бунёд этилганлиги, бўлимларидаги шароитлар эса ҳавас қилса арзигулик даражада яратилганлиги таҳсинга лойиқ. Бошқа тиббиёт муассасаларида ана шундай шароитлар мавжудлиги ҳам қувонарлидир.

26 ноябрь куни кенг доирада бошланган симпозиумда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг иштирокчиларга табриги ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган муваффақиятлар тўғрисидаги эътирофлари иштирокчи сифатида мени янада тўлқинлантирди.

Куннинг иккинчи ярмида “Маърифат” марказининг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг барча залларида (8 та секция) долзарб мавзуларда мажлислар олиб борилди. Мен иштирок этган 7-секцияда “Репродуктив саломатлик ва оилада тиббий маданиятни шакллантириш, рационал овқатланиш” мавзусида семинар бўлиб, унда фаолиятдаги натижалар ва муҳим бўлган масалаларга эътибор қаратилди.

Шуни эътироф этмоқчиманки, Ўзбекистонда гўдақларни кўкрак сути билан озиқлантириш ишларига катта эътибор қаратилганлиги боис, улар орасида касалликлар кескин камайиб, она сутининг моҳияти нечоғлик аҳамиятга эга эканлиги бўйича тарғибот ишларининг кучайтирилганлигига ишонч ҳосил қилдим. Жумладан, ҳозирда 6 ойгача бўлган болаларни кўкрак сути билан эмизиш кўрсаткичини 20 фоиздан оширган 24 мамлакат ичида Ўзбекистон етакчи ўринда эканлиги албатта қувонарли ҳолдир.

Бўлиб ўтган ушбу форумнинг кенг миқёсда ўтказилганлиги фаолиятимизда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳам назарий, ҳам амалий томондан ўзаро фикр алмашишга катта имконият яратди.



Хорижлик мутахассислар гуруҳи Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси фаолияти билан ҳам танишдилар. Юқори малакали шифокорлар болаларда ўт пуфаси, қизилўнғач ривожланиши нуқсонлари билан боғлиқ хирургик амалиётлари бажарилди. Шунингдек, эмизикли гўдақларда юрак операцияларини олиб боришди. Ўзбекистон ва украиналик ҳамкасблар пластик реконструктив хирургия бўйича ҳамкорликдаги жарроҳлик амалиётини муваффақиятли амалга оширишди.

**Юрий СУШКО,**  
Киев отоларингология институти бўлим бошлиғи  
(Украина):

– Сўнгги марта Ўзбекистонга 12 йил аввал ташриф буюрганман. Бугун эса тиббиёт муассасаларини кўриб, худди саройга киргандек бўлдим десам, муболаға бўлмас. Бу ерда ҳамма нарсаси рисоладагидек, тиббий шароитлар юқори даражада. Бундай базада кулоқ микрохирургияси бўйича ихтисослаштирилган марказ очиш мумкин. Албатта, бу барча ўзгаришлар давлатингиз раҳбарининг ижтимоий соҳа ривожига қаратаётган эътибори туфайлидир.



**Роланд ВАУЭР,**  
Шарите клиникаси профессор (Германия):

– Аввало, халқаро миқёсда ўтказилган ана шундай юқори даражадаги “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она – соғлом бола” мавзусидаги симпозиумда иштирок этишимнинг ўзи мен учун катта бахт бўлди. Ўзбекистон ўзининг серкўёшлиги, меҳмондўстлиги ҳамда бағрикенглиги билан жаҳон ҳамжамиятидан ўз ўрнига эга эканлиги маълум. Юртингизда 20 йил ичида ҳар бир соҳада салмоқли ишлар қилинганлиги кўриниб турибди. Айниқса, тиббиёт тизимидаги амалий фаолиятларингиз симпозиумда иштирок этган жаҳон тиббиётининг энг кўзга кўринган олим ва мутахассисларини ҳам лол қолдирди. Шунингдек, давр талабидаги тиббиёт муассасаларининг замонавий аппаратуралар, малакали кадрлар билан таъминланганлиги ҳамда клиникаларнинг халқаро ҳамкорликда тўғри йўлга қўйилганлиги аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этаётганлигини кўрдик. Ташрифим давомида Тошкент шаҳридаги Республика перинатал марказида “Неонатал шошилиқ ёрдам, реанимация ва сунъий вентиляция” мавзусида маҳорат мактаби ўтказишга муяссар бўлдим. Марказ фаолияти билан танишиш чоғида у ердаги оналар ва болаларга кўрсатилаётган хизматлар юқори даражада йўлга қўйилганлиги ҳамда мутахассислардаги илмий салоҳиятга бўлган интилиш ва изланишни, шунингдек, давлатингиз раҳбари томонидан тиббиёт соҳасига бўлган чуқур эътибор ва ғамхўрликини кўрдим. Бу албатта, келажаги порлоқ бўлган Ўзбекистондаги ёш авлоднинг соғлом ва баркамол ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.



**Октай ШИРАЛИЕВ,**  
Озарбайжон Соғлиқни  
сақлаш вазири:

– Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимидаги ишларнинг оқилона ва тўғри қўйилганлиги мамлакатингиз аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошганлигини кўрсатади. Албатта, бундай ютуқларга эришишда давлатингиз раҳбари Ислам Каримовнинг инсон саломатлиги ва унинг манфаатларига бўлган одилона сиёсатидир. Айниқса, бирламчи тиббиёт тизимининг барпо этилиши, айни кунда 3200 дан зиёд замонавий қишлоқ врачлик пунктларининг давр талабидаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги ва аҳолининг кенг қатламига кўрсатаётган тиббий ёрдами таҳсинга сазовор. Бундан ташқари, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, туғруқ

оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишдек эзгу ишларнинг асосий омил эканлигига яна бир бор амин бўлдим. Айниқса, симпозиумнинг юқори даражада ташкил қилинганлиги, жумладан, 25 ноябрь куни симпозиум ишида қатнашаётган соғлиқни сақлаш вазирилари, чет эл делегатлари, халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари ва экспертлари иштирокида “Европа минтақасида 4 ва 5 Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича устувор вазифалар” мавзусидаги давра йиғилишида ҳам мазкур йўналишда эришилган муваффақиятлар борасида ўзаро фикрлашиб, келгусидаги режалар хусусида келишиб олинди. Бунинг баробарида симпозиум иштирокчилари юртингиздаги етакчи клиникаларда бўлиб, уларнинг фаолиятлари билан танишдилар. Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт

## Симпозиум доирасида: секция мажлиси ва маҳорат мактаблари

## ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИНУВИ

Ўзбекистонда бундай йирик анжуманнинг ўтказилиши айтиш мумкинки, дунё тиббиёт оламида муҳим воқеа бўлди. Соҳа олимлари секцияларга бўлиниб, турли мавзулар бўйича касалликларга қарши курашишда энг самарали усулларни таҳлил этдилар.

биёт соҳасидаги ислохотлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Шу ернинг ўзиде ташкил этилган телекўприк ёрдамида вилоятдаги

зах вилоятдаги скрининг маркази билан теломост уюштирилди. Ушбу замонавий типдаги муассасанинг бугунги имкониятлари иштирокчиларда ало-

бир-бирдан долзарб масалалар кўриб чиқилди. Биринчи репродуктив саломатлик ва оилада тиббий маданиятни шакллантириш, рационал



Хусусан **биринчи секцияда** болаларга поликлиникада амбулатор ёрдам кўрсатиш, асосийси она ва бола саломатлигига таъсир этувчи омиллар, **иккинчи секцияда** болаларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш йўналишида тўпланган тажрибалар ва соҳа олдидеги вазифалар, **учинчи секцияда** ёш болалар ўртасида учрайдиган турли касалликларнинг олди-

ни олиш, даволашнинг самарали усуллари ва мураккаб жароҳлик амалиётларини ўтказишда эътибор қаратилиши лозим бўлган омиллар, **тўртинчи секцияда** эса далиллар ва тиббиёт тамойилларига асосланган замонавий перинатал ва неонатал технологиялар мавзуси кўрилиб, иштирокчилар бу борада Наманган вилоятда тўпланган тажрибалар ва чекка ҳудудларда тиб-

шифо масканларида амалга оширилаётган ислохотлар ва турли касалликларни даволашда тўпланган тажриба билан ўртоқлашди. Шунингдек, **бешинчи секцияда** Она ва бола скрининги – болаларда туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш асослари 5-секциянинг бош мавзуси бўлиб, тадбир доирасида мулоҳазаларнинг жонли кечиши учун Жиз-

ҳида қизиқиш уйғотди. Ҳомила ривожланишининг тутилиб қолиш хавфи омилларини баҳолаш ва унинг перинатал диагностикаси мавзусидаги маърузага масофавий мулоқот барча йўналишларда намунавий манба бўлиб хизмат қилди. **Олтинчи секцияда** эса вакцинопрофилактика ва болалар юқумли касалликлари, **еттинчи ва саккизинчи секцияларда** ҳам

овқатланиш муҳокама қилинган бўлса, иккинчисида Мингйилликнинг ривожланиш мақсадларига эришишда глобал ҳамкорлик: натижалар ва истиқболлар иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди. Она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашда яхши натижаларга эришиш учун ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш масаласи ҳам устувор бўлди.

**Андрэ ДЕОМ,**  
Сифатни назорат  
қилиш маркази директори  
(Швейцария):

– Мен 10 йил аввал Ўзбекистонга келгандим. Ўша пайтдаги аҳвол билан яхши танишман. Айтиш мумкинки, ўтган вақт ичида мисли қўрилмаган ўзгаришлар содир бўлган. Бу нафақат тиббиёт, балки бошқа соҳалардаги натижаларда ҳам кўриниб турибди. Пойтахтнинг бугунги манзараси ҳам фикрларимни исботлайди.

**Ануратха ГУПТА,**  
Ҳиндистон соғлиқни сақлаш вазирлиги  
ижрочи котиби:

– Қайд этишим лозим, тиббиёт муассасасининг қурилишида ҳар бир деталь инобатга олинган. Хоналарнинг эстетик дизайни, айнан болажонлар ва уларнинг оналари учун яратилган шарт-шароитлар жуда ҳам яхши. Нафақат мазкур муассаса, балки биз кун давомида танишиб чиққан ҳар бир шифохонада тиббий хизматнинг йўналтирилганлигини ва турли текширувлар, ташхис жараёнларининг интеграциялашганини кузатдик.

**Шахин ГУСЕЙНОВ,**  
Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг  
Марказий Осиё давлатлари бўйича координатори:

– Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Ўзбекистоннинг халқаро симпозиум ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади. Боиси, Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларида белгиланган талабларни ўзининг эришган ижобий натижалари билан намойиш эта олди. Халқаро экспертлар эътиборига ҳавола қилишга лойиқ ютуқлар ва тажрибалар мавжуд. Ўзбекистонда бу борада тараққийта эришилди. Маълумки, ушбу мамлакат полиомиелитдан ҳоли ҳудуд ҳисобланади. Оламшумул тарзда ўтказилган ушбу анжуман доирасида ҳам назарий, ҳам амалий томондан фаолиятларимизда қўллаш оладиган маълумотларга эга бўлдик.



**Гунта ЛАЗДАНЕ,**  
профессор, ЖССТ Европа  
минтақавий бюроси  
репродуктив саломатлик  
масалалари бўйича  
маслаҳатчиси  
(Копенгаген):

– “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она – соғлом бола” мавзусидаги симпозиумнинг нуфузли даражада ўтганлиги Ўзбекистон тиббиётининг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни борлигини яна бир бор намоян этди. Бунинг исботи сифатида айтмоқчиманки, симпозиумнинг очилиш маросимида Президентингиз Ислам Каримов ўз маърузаларида мамлакатингизда соғлиқни сақлаш тизимида

амалга оширилган ютуқли ишларга алоҳида тўхталиб, фаолиятлар замирида халқингиз саломатлиги уйғун ётганлиги ва бу борада тиббиёт ходимлари меҳнати катта эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Демокриманки, Юртбошингиз томонидан соҳага қаратилган эътибор, шунингдек, тиббиёт ходимларининг меҳнати қўллаб-қувватланаётганлиги тизимдаги муваффақиятларнинг асосидир деб биламан. Аввало, ана шундай кенг доирадаги симпозиумни ташкил этиб, самимиёт билан бизни кутиб олган мамлакатингиз раҳбарига ва кўп сонли тиббиёт ходимларига ўз миннатдорчилигини билдираман. **“Пойтахт” бизнес марказида маҳорат дарсида** иштирок этиб ўз маърузам билан қатнашдим.

Эътироф этмоқчи эдимки, мамлакатингизда репродуктив саломатлик бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишиб чиқдим. Айниқса, бу борада “Саломатлик ҳафталиклари”нинг ташкил этилганлиги ва халқингиз орасида репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш борасида эришилаётган ютуқларни эшитиб хурсанд бўлдим. Симпозиум доирасида ўтказилган секция йиғилишида иштирок этдим. Бир сўз билан айтганда нуфузли даражада ўтган халқаро симпозиум мазкур йилнинг энг муҳим тарихий воқеасига айланди десам, янглишмаган бўламан.

Шу ўринда эътироф этишимиз жоизки, «Меҳр нури» жамоат жамғармаси бу сингари савобли лойиҳаларни мунтазам равишда амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб олганки, 2009-2011 йиллар давомида 5-шаҳар болалар клиник шифохонаси, 4-шаҳар юқумли касалликлар клиник шифохонаси, Ўрта Чирчиқ туманидаги «Ўртасарой» кишлоқ врачлик пункти ва Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказлари тубдан таъмирланиб, фойдаланишга топширилганлиги фикримиз далилидир. Улар томонидан эса ана шундай сый-ҳаракатлар давом эттирилмоқда.

Маълумки, халқаро симпозиумда дунёнинг қирққа яқин давлатларидан делегатлар иштирок этдилар. Симпозиум доирасида 15 та мастер класс ва конференциялар, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг долзарб масалаларини қамраб олган 8 та секцияда иш олиб борилди. Анжуман якуни бўйича Халқаро симпозиум резолюцияси қабул қилинди.

Халқаро симпозиум материалларини Ибодат СОАТОВА, Ирода ИЛҲОМОВА ва Сарваржон РАҲИМОВлар тайёрлади. Суратлар муаллифи Ибодат СОАТОВА, Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Газетанинг навбатдаги сони 16 декабрда чиқади.

Газета  
муассиси:  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Соғлиқни  
сақлаш  
вазирлиги

Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ  
Нашр учун масъул  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «!» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 6059 нусха.  
Буюртма Г-1245.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.  
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

